



УДК 37(575.1)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази

Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари. Илмий мақолалар тўплами. 1-қисм –Т.: LESSON PRESS. 2017. – 177 б.

Маъжур тўплам Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази ходимларининг ОТ-Ф1-022 - рақамли “Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари” фундаментад илмий лойиҳа бўйича олинган натижалар ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари асосида тайёрланган илмий мақолалардан иборат.

Маъжур муҳаррир: и.ф.н., доцент Ш.Р.Ражаббаев

Таърир қилъати:

и.ф.н., проф. Ё.Х.Умурзаков,
и.ф.н., проф. А.С.Усманов,
и.ф.н., проф. Н.М.Маъмурдов,
и.ф.н., проф. А.М.Кудиров,
и.ф.н. А.А.Абдуралиев,
и.ф.н. Р.Х.Ташмағнов

Таъричилар:

и.ф.н., проф. М.Б.Хамидуллин,
и.ф.н., доц. М. Юсупов

Ушбу илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази Илмий кенгашининг 2017 йил 13 июндаги №7-сонли Қарори билан нашрга таъин этилган.

Маъжур илмий мақолалар тўплами ГОСТ 7.60-2003 ва ГОСТ 7.5-98 давлатлараро стандартларга мувофиқ расмийлаштирилган, унда чоп этилган илмий ишлар илмий мақолалар ҳисобланади.

Маъжур тўпламга киритилган илмий мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меърий ҳужжатлар санасини тўғрилига ҳамда келтирилган танқидий фикр мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъул.

© ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази, 2017 й.

Иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи ички
имкониятларни аниқлаш ва захираларни сафарбар қилишнинг
илмий-методик асослари
илмий мақолалар тўплами

1-ҚИСМ

Тошкент–2017

Xayitboyev Sh.X. Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash O'zbekiston barqaror rivojlanishining asosiy omili sifatida.....	116
Қуноқов Х.Қ., Г.Шаназарова Ўзбекистон миллий иқтисодиётида макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаган омиллар.....	121
2-секция. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг минтақавий хусусиятлари	
Умурзаков Б.Х., Маматуридиева Д.Р. Андижон вилояти аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашиш хусусиятлари.....	125
Арабов Н.У. Меҳнат бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш.....	130
Ахмедова М.А. Подходы к анализу и прогнозированию сбалансированности рынка труда: обзор зарубежного опыта.....	135
Акрамова Ш.Г. "Меҳнат ресурслари" иқтисодий категория сифатида.....	141
Юлдашев Н.Н. Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ҳудудий тақсимланиши.....	145
Захирова Г.М. Меҳнат ресурсларини бошқариш стратегияси.....	150
Қорабоев Ш.А. Ижтимоий соҳанинг роли ва уни ривожлантиришдаги асосий вазифалари.....	154
Азизова С.Х. Муносиб меҳнат тушунчаси ва баҳолаш услуги.....	158
Аюбов И.И. Уй хўжалиги молиясини барқарорлаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш.....	163
Абдусамидов А.А. Ҳудудий меҳнат бозорини тартибга солиш механизмнинг асосий шакллари ва услулари.....	166
Abdulazizova N.B. Mintaqada mehnat resurslarining shakllanishi va samarali taqsimlanishi imkoniyatlari.....	171
Разақов Х. Миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меҳнат ресурсларини шакллантиришдаги роли.....	174

МУНДАРИЖА

1-секция. Ички заҳира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари	
Усманов А.С. Устойчивый экономический рост и факторы его обеспечения.....	5
Махмудов Н.М., Имомов Ж.О. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рақобатбардошлигини оширишда логистика масалалари.....	11
Тростянский Д.В., Айдинова М.А. Методология и императивы эффективного использования ресурсного потенциала промышленности и императивы эффективного использования ресурсного потенциала промышленности на региональном уровне.....	17
Қулматов Р., Зокиров Ш.Э. Барқарор ривожланиш индикаторлари: халқаро таъриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланишининг йўллари.....	24
Абдуназарова Н.У., Йулдошева Н.Х. Системный подход к построению модельного инструментария по оценке воздействия внешних факторов на национальную экономику.....	31
Шамова Е.А. К проблеме интеграции российских предприятий в современную систему международной торговли.....	36
Айдинова М.А. Экономическая устойчивость как необходимое условие развития предприятий.....	39
Тожиев Р.Р. Европа Иттифоқида ташқи қарзни тартибга солиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари.....	43
Sodikov Z.R. Jahonda xalqaro xizmatlar eksportining rivojlanish xususiyatiga va omilgari.....	48
Муминов Б.Ш. Проблемы и пути повышения инвестиционной привлекательности ключевых предприятий национальной экономики.....	52
Абдуллаева М.К. Давлат ва ҳудуд миқёсида прогноллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	56
Абдуваллиев А.А. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда M&A - "қўшиб юбориш ва қўшиб олиш" нинг аҳамияти.....	61
Горлова Е.С., Каримов М.М. Оценка резервов роста инвестиций предприятий Узбекистана.....	66
Мухсимова Д.Х. Резервы устойчивого развития Узбекистана.....	71
Рустамов Н.И. Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш йўналишлари.....	76
Джумаева С.К. Миллий иқтисодиётни модернизациялашнинг назарий жиҳатлари ва йўналишлари.....	80
Тошев Ф.З. Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш имкониятлари ва ички омиллари.....	83
Бобоҳўжаев Ғ.Н., Зокиров Ш.Э. Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришиш йўлида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари.....	87
Искандарова Д.Б., Мейлиева Д.Б. Ташқи иқтисодий фаолият статистикасининг мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда тўтган ўрни.....	91
Қурбонов Ж.Қ. Ишлаб чиқариш самардорлиги: тушунча, моҳият ва уни белгиловчи омиллар.....	95
Мирзааримов Д.У. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири.....	100
Нишонхўджаев Т.Б. Ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тизимидан фойдаланиш.....	106
Отамуратов О. Фармацевтика sanoati кластерини ташкил қилиш соҳани инновацион ривожлантириш йўналишларидан бири сифатида.....	110

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш йўналишлари ёритилиб берилган. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг илмий-назарий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш йўналиши сифатида давлатнинг иқтисодий сиёсатида таркибий ўзгаришлар сиёсатидаги устуворликлар юзасидан тақлифлар берилган.

Таянч тўшунчалар: таркибий ўзгаришлар, модернизация, рақобатбардошлик, ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби.

Ўзбекистонда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни самарали амалга оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси камайгани ҳолда, саноат, хизмат кўрсатиш каби тармоқларнинг улуши оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу масалага ҳам кенг эътибор қартилган. Хусусан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича белгиланган ўзини устувор йўналишда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий ўнсурлари кўрсатиб ўтилган. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида таркибий ўзгаришларни чўқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўлайитириш каби устувор жиҳатларнинг белгилаб берилиши мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни янада самарали амалга ошириш имконини беради.

Маълумки, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг йиндиси ялли ички маҳсулот кўрсаткичида ўз аксини топади ва иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши ялли ички маҳсулот ҳажми ўзгаришига, унинг тармоқ таркиби ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизацияланганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг тақомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда ислотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг илмий-назарий асосларга эътибор қаратсақ, тармоқлар ўртасидаги узвий боғлиқликни таҳлил қилиш мақсадида амарикалик олим В.Леонтьев томонидан томонидан модел ишлаб чиқилган, у “ҳаражатлар-маҳсулот” модели деб номланиб, унда ҳар бир тармоқдаги ресурс харажатлари

ва чиқариладиган маҳсулот ўртасидаги миқдорий боғлиқликлар ва товарнинг бир тармоқдан бошқасига ўтишининг ҳаракат йўналишларини кўрсатиб берган.⁷⁹

С. Кузнец иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг асоси ялли талабдаги ўзгаришлар деб ҳисоблаган ва иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омиллар сифатида илмий-техникавий тараққиёт, истеъмолчилар танловининг ўзгариши, ишлаб чиқариш омилларининг самарали қўлланилишини айтиб ўтган.⁸⁰

Й. Шумпетер иқтисодий тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий импульс истеъмол структурасининг янгиланишидан, товар ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг янги усулларини қўллашдан, бозорлар фаолиятини яхшилашдан ва иқтисодиётни ташкил этишнинг замонавий шакллари қўлланишдан боғлиқ бўлади деб ҳисоблайди.⁸¹

Россиялик олим Н. Кондратьевнинг фикрига кўра хўжалик мўваозанатини таъминлашиш учун унинг қандайдир чегаравий ҳолатлари мавжуд, улар маълум бир вақтларда иқтисодиётнинг мўваозатига таъсир кўрсатади.⁸²

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида юз бераётган жиҳдий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир. Мамлакатимизда юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялли ички маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларининг ҳиссаси ошиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши камайиши тенденцияси кузатилмоқда. Буни иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чўқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимизни бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг тасдиғи сифатида қабул қилиш даркор. Бу тўғридаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида ялли ички маҳсулот тармоқ таркибининг тузилиши⁸³

1-жадвал

Йиллар	Ялли ички маҳсулот жорий баҳоларда, млрд.сўм	Ўтган йилга нисбатан %	Ялли ички маҳсулотнинг тармоқ таркиби, %				
			Саноат	Қўри-лиш	Соф солиқлар		
2005	15923,4	107,0	21,1	4,8	26,3	37,2	10,6
2006	21124,9	107,5	21,8	5,1	25,1	37,9	10,1
2007	28190,0	105,9	21,0	5,9	23,2	39,8	10,1
2008	38969,9	109,0	23,5	5,6	19,7	41,3	9,9
2009	49375,6	108,1	23,6	6,8	18,6	41,4	9,6
2010	62388,3	108,5	23,9	6,5	18,0	42,4	9,2
2011	78764,2	108,3	24,0	6,1	17,8	43,5	8,6
2012	96589,8	108,2	24,0	5,9	17,5	44,9	7,7
2013	118986,9	108,0	24,2	6,0	17,6	44,2	8,0
2014	144867,9	108,1	24,1	6,8	17,2	43,5	8,4
2015	171369,0	108,0	32,0 ⁸⁴	-	16,7	42,5	8,8
2016 ⁸⁵	199 325,1	107,8	32,9	-	16,6	41,8	8,7

⁷⁹ Леонтьев В. Экономические эссе. Теория, исследования, факты и политика. Пер. с англ. – М.: Политиздат, 1990 – 415 с.

⁸⁰ Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышления: нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. – СПб.: Юманитика, 2003. – С.104.

⁸¹ Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – М.: Экономика, 1995. – С. 126-127.

⁸² Кондратьев Н.Д. Основные проблемы экономической статистики и динамики: Предварительный эскиз. – М.: Наука, 1991. – С. 298.

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-киتابи
⁸⁴ 2015 йилдан ялли ички маҳсулотнинг таркибида саноат маҳсулотларини ҳисоблаш методологиясида ўзгариш киритилиб, саноат тармоғининг таркибида қурилишнинг улуши қўшиб ҳисоблаб келинмоқда

1-тенгликнинг ΔY , ΔAgr , ΔSer , ΔInd кўрсаткичлари $\Delta Y = Y_t - Y_{t-1}$, $\Delta Agr = Agr_t - Agr_{t-1}$, $\Delta Ser = Ser_t - Ser_{t-1}$, $\Delta Ind = Ind_t - Ind_{t-1}$ формулада ифодаланнади.

Агар бу 1-тенгликни динамик кўринишга келтирадиган бўлса у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta Y = a * \Delta Agr + b * \Delta Ser + c * \Delta Ind \quad (2)$$

2-тенгликдаги a , b , c параметрлар ҳар бир тармоқнинг ялли ички маҳсулот ўсиш суръатига қанчалик таъсир кўрсатишини ифодалаб, моделда ўзгармас бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ўсишга иқтисодиёт тармоқлари ўзгаришининг боғлиқлигини регрессион модел орқали ҳам баҳолаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги боғлиқлигини амалга ошириш керак бўлади: иқтисодий ўсиш ҳажми билан тармоқларни ўсиш суръати ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш, боғлиқликлардан келиб чиқиб регрессион модел тузиш ва регрессион модел тўғрлигини баҳолаш.

Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш йўналиши сифатида давлатнинг иқтисодий сиёсатида таркибий ўзгаришлар сиёсатига устуворлик бериш керакки, улар ўз моҳиятига қўра иқтисодий ўсишда фаолликка эришиш учун шарт-шароит яратиб беради. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган таркибий ўзгаришлар сиёсатини қуйидаги йўналишларда олиб бориш зарур:

Биринчидан, миллий иқтисодиётнинг таркиби ялли ички маҳсулот ҳажмида пировард маҳсулотларнинг ўсиб боришини таъминлаш талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштирилиб борилиши лозим;

Иккинчидан, иқтисодий ресурслар ва шу жумладан, ишчи кучининг самарали банд бўлиши муаммосини ҳал қилиб бориш ҳам таркибий ўзгаришлар сиёсатда ўз ифодасини топиши керак.

Учинчидан, таркибий ўзгаришлар сиёсатда иқтисодий ўсишнинг интенсив омиллари устуворлигини таъминлаб бориш ҳисобга олинини зарур.

Тўртинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш меҳнат унумдорлигини ўстириб бориш талабларига мос бўлиши лозим.

Юқоридаги йўналишларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган дастурлар муваффақиятли ижро этилишини ва миллий иқтисодиётимизнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Леонтьев В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика: Пер. с англ. – М.: Политиздат, 1990 – 415 с.
2. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышления: нобелевская лекция // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. – СПб.: Гуманитика, 2003. – С.104.
3. Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – М.: Экономика, 1995. – С. 126–127.
4. Кондратьев Н.Д. Основные проблемы экономической статистики и динамики: Предварительный эскиз. – М.: Наука, 1991. – С. 298.
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби
6. 2015 йилдан ялли ички маҳсулотнинг таркибида саноат маҳсулотларини ҳисоблаш методологиясида ўзгариш киритилиб, саноат тармоқининг таркибида қурилишнинг улуши қўшиб ҳисоблаб келинмоқда
7. 2016 йил учун дастлабки маълумотлар

Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, иқтисодиётда вужудга келадиган номуносибликларни ўз вақтида бартараф қилиш ва мавжуд муаммоларни самарали ечиш ҳамда жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги барқарорлик шартларида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг бош вазифаси бўлиб қолади.

Миллий иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларни амалга оширишда унинг тармоқларидаги таркибий силжишларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай иқтисодий тизим доимий ҳаракатда бўлади, масалан капиталнинг самараси паст соҳадан, самараси юқори соҳага қараб ҳаракатланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг ананавидан янги ресурс тежовчи тизимга ўтиши, меҳнат ресурсларнинг манфақатлардан технологик жараёнга ўтиши ва бошқалар бунга яққол мисол бўлади. Бу жараён миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишининг асосий омиллари ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган таркибий силжишлар ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди, чунки таркибий силжишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши натижасида;
2. Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирмаган ҳолда қўшимча ресурсларни жалб этиш орқали;
3. Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирган ҳолда.

Мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, юқоридаги йўналишлардан бирини танлаб таркибий ўзгаришларни самарали амалга ошириш мумкин.

Таркибий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришдир. Бунда асосий эътибор ҳам ашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётнинг бир томонламалгини бартараф этиш, иқтисодиёт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар ишлаб чиқариш улушини оширишдан иборатдир. Зеро, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларнинг самарали амалга оширилиши мамлакатда узоқ муддатда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун замин яратади. Ишлаб чиқариш омиллари эркин рақобат ва ахборот олиш имкониятининг юқори бўлган шартларида омиллар самарадорлиги юқори соҳага қараб интилади. Бир тармоқнинг чекли омиллари самарадорлиги юқори нуктасига эришгач, ишлаб чиқариш омилларининг бошқа тармоқларга силжиши кузатилади. Лекин амалиётда бу турдаги иқтисодиёт учрамайди, чунки амалиётда ахборотларни олиш имкониятларининг чекланганлиги, бозордаги монополистлар бозорни эгаллашга интилиши ишлаб чиқариш омиллари самарасиз соҳаларга йўналтиришга сабаб бўлади.

Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг услубий жиҳатларида эътибор қаратсак, ҳозирги ҳолатда ялли ички маҳсулот ишлаб чиқарилишини 3 сектор томонидан кўриб чиқамиз, булар: қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар соҳаси ва саноат тармоқларида яратилган қўшилган қийматлар ташкили этади. Мамлакатда ялли ички маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш ҳажми (ΔY) қишлоқ ҳўжалигининг ўтган йилга нисбатан ўсиш ҳажми (ΔAgr), хизматлар соҳасининг ўсиш ҳажми (ΔSer) ҳамда саноатнинг ўсиш ҳажми (ΔInd) ййғиндисига тенг бўлса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta Y = \Delta Agr + \Delta Ser + \Delta Ind \quad (1)$$